**ДОГОВОР № 19**

г. Ташкент «14» 07 2022г.

Центр научно-технической информации при Министерстве инновационного развития Республики Узбекистан, именуемая в дальнейшем «Заказчик», в лице Директора Абдувалиев А.А., действующего на основании Устава, с одной стороны, и Общество с ограниченной ответственностью «RBC Group Solutions», именуемое в дальнейшем «Исполнитель», в лице директора Рахматова А.С., действующего на основании Устава, с другой стороны, согласно протокола закупочной комиссии Центр научно-технической информации при Министерстве инновационного развития **№ 108660** от 5 июля 2022 года, заключили договор о нижеследующем:

## 1. Предмет договора

1.1. «Исполнитель» принимает обязательства оказать (Лот №**108660**) **услуги по разработке и внедрению Информационно-аналитической системы научно-технической информации (ИАС)**, а «Заказчик» оплатить услугу в соответствии с условиями и положениями договора и в соответствии со спецификацией требований к оказываемой услуге (Приложении №1), являющемся неотъемлемой частью настоящего договора.

1.2. «Исполнитель», по письменному согласованию с Заказчиком, имеет право досрочно или поэтапно реализовать услугу.

1.3. Качество предоставляемой услуги должно соответствовать требованиям нормативных документов по стандартизации (ГОСТ, O'zDSt, Ts и т.п.), техническим требованиям «Заказчика» утвержденному сторонами, а также другим нормам и правилам, установленным для предоставляемой услуги в Республике Узбекистан.

## 2. Общая стоимость договора и условия платежа

2.1. Общая стоимость настоящего договора составляет **179 800 000.00 (*сто семдесять девять миллионов восемсот тысячи*)** сум без ндс.

2.2. Цены на поставляемую продукцию являются окончательными и до полного исполнения договора сторонами изменению не подлежат.

2.3. Расчеты за продукцию производятся между «Заказчиком» и «Исполнителем» путем предварительной и последующей оплаты.

2.3.1. Предварительная оплата в размере 30 % от общей суммы договора производится в течение 10 (десяти) банковских дней для бюджетных заказчиков, после регистрации в Казначействе Министерства финансов Республики Узбекистан;

2.3.2. Последующая оплата фактически поставленной продукции производится в течение 15 (пятнадцати) банковских дней после составления акт выполненных работ по представленным счетам-фактурам, с учетом вычета суммы произведенной предоплаты.

2.3.3. Основанием для проведения последующей оплаты являются следующие документы:

счет-фактура, акт выполненных работ (услуг), подписанные между «Заказчиком» и «Исполнителем».

2.3.4. После проведения взаиморасчетов, а также после истечения срока действия договора составляется акт сверки.

## 3. Условия и сроки оказания услуги

3.1. Срок выполнения Исполнителем работ по настоящему Договору составляет 30 (тридцать) календарных дней с момента поступления предоплаты на счет исполнителя, в течение которого «Исполнитель» обязан своими силами и средствами выполнить работы по договору и поставить программный продукт Заказчику, находящегося по адресу: Центр научно-технической информации при Министерстве инновационного развития Республики Узбекистан согласно План-графику оказания услуги (Приложения №2), являющемся неотъемлемой частью настоящего договора.

3.2. 4.3. Услуги считаются оказанными после подписания сторонами акта приема-передачи оказанных услуг.

## 4. Порядок сдачи-приемки

4.1. Право собственности на программный продукт переходит к «Заказчику» в момент фактической передачи, после составления и подписания (акт приём передачи, акт выполненных работ) счета-фактуры, подписанных уполномоченными лицами.

4.2. Приемка продукции по качеству осуществляется в соответствии с требованиями нормативных документов по стандартизации (ГОСТ, O'zDSt, Ts и т.п.), а также других нормативных документов, действующих на момент поставки продукции. Поставляемый программный продукт должен соответствовать техническим требованиям «Заказчика».

## 5. Имущественная ответственность сторон и качество продукции

5.1. В случае просрочки срока выполнения работ по данному договору, «Исполнитель» уплачивает «Заказчику» пеню в размере 0,1 % от неисполненной части обязательства за каждый день просрочки (за исключением праздничных и выходных дней), но при этом общая сумма пени не должна превышать 0,5 % стоимости услуги.

5.2. При несвоевременной оплате за оказанные услуги «Заказчик» уплачивает «Исполнителю» пеню в размере 0,1 % от суммы просроченного платежа за каждый банковский день просрочки, но не более 0,5% суммы просроченного платежа.

5.3. Если выполненые работы по данному договору не соответствует требованиям, изложенным в пункте 1.3. настоящего договора, «Заказчик» вправе:

отказаться от принятия и оплаты за оказанные услуги;

если услуга оплачена, потребовать исправления выявленных недочетов или возврата уплаченной суммы, а также взыскать

с «Исполнителя» штраф в размере 20 % от стоимости услуг ненадлежащего качества.

5.4. Уплата штрафа и пени, в случае ненадлежащего исполнения обязательств, не освобождает стороны от исполнения обязательств по договору.

5.5. «Исполнитель» предоставляет на оказанные услуги гарантийный срок в размере 3 (три) года, согласно приложению №1(спецификация).

## 6. Рекламации

6.1. Рекламации могут быть заявлены по качеству оказанной услуге в случае несоответствия её требованиям нормативных документов стандартизации (ГОСТ, O'zDSt, Ts и т.п.), техническим требованиям «Заказчика» утвержденному сторонами, а также техническим характеристикам, описанным в технической документации производителя.

6.2. «Заказчик» имеет право заявить «Исполнителю» рекламацию по качеству оказанных услуг в течение гарантийного срока (эксплуатации).

6.2.1. В случае, если в течение установленного гарантийного срока, при соблюдении условий эксплуатации, в программном продукте будет выявлены ошибки возникшие по вине исполнителя, «Исполнитель» обязуется за свой счет устранить все выявленные ошибки за свой счет, в согласованные с Заказчиком сроки.

6.2.2. При выявлении нештатной работы системы, произошедшего по вине Исполнителя, в период гарантийного срока, представитель «Заказчика» должен письменно известить «Исполнителя» доступным видом связи (по факсу или иными способами) о назначении даты оформления совместного акта рекламации. Дата совместного оформления рекламационного акта должна быть назначена на срок, не более чем 10 дней с момента письменного извещения «Исполнителя».

В извещении должно быть указано:

наименование и дата выявленной ошибки работы программного продукта;

описание и влияние выявленной ошибки на деятельность Заказчика;

срок и место прибытия представителя «Исполнителя» (с учетом времени на проезд).

6.2.3. При неявке представителя «Исполнителя» по вызову представителя «Заказчика» в установленный срок, проверка и оформление производятся при участии независимой экспертизы или представителя независимой организации по выбору «Исполнителя» или в одностороннем порядке.

6.2.4. В одностороннем порядке представитель «Заказчика» имеет право произвести проверку и составить акт рекламации также в следующих случаях:

при неявке представителя «Исполнителя» в назначенный срок;

при оставлении извещения без ответа;

при отсутствии независимой организации, а также при отказе выделить представителей или неявке представителей вышеуказанных организаций.

В таком случае акт рекламации считается принятым к исполнению.

6.3. В случае обнаружения при приемке «Заказчиком» несоответствия количества оказанной услуги, «Исполнитель» обязан за свой счет устранить выявленные недочеты в согласованные с Заказчиком сроки.

## 7. Решение споров

7.1. Все споры и разногласия между «Заказчиком» и «Исполнителем» в связи с настоящим договором должны разрешаться сторонами путем переговоров. Если сторонам не удается достичь соглашения, все споры и разногласия, возникшие из данного договора или в связи с ним, должны рассматриваться Экономическим судом города Ташкента по месту расположения организации «Заказчика».

## 8. Форс-мажор

8.1. Стороны освобождаются от ответственности за частичное или полное неисполнение обязательств по настоящему договору, если оно явилось следствием пожара, наводнения, землетрясения, войны, блокады и других общепризнанных обстоятельств непреодолимой силы, издания актов государственных органов. При наступлении форс-мажорных обстоятельств стороны обязаны проинформировать друг друга о наступлении подобных обстоятельств в письменной форме с предоставлением документов, удостоверяющих эти обстоятельства, выданных соответствующими органами.

8.2. В случае продления форс-мажорных обстоятельств на срок более 2 (двух) месяцев полученная предоплата (за исключением исполненных сторонами обязательств) по настоящему договору в течение 10 (десяти) банковских дней подлежит возврату.

## 9. Срок действия договора

9.1. Настоящий договор вступает в силу с момента подписании сторон (для бюджетной организации с момента регистрации в Казначействе Министерства финансов Республики Узбекистан) и действует до 31.12.2022.

## 10. Порядок изменения и расторжения договора

10.1. Любые изменения и дополнения к настоящему договору являются действительными лишь при условии выполнения их в письменном виде и подписания уполномоченными лицами «Заказчика» и «Исполнителя».

10.2. Стороны имеют право одностороннего расторжения договора в следующих случаях:

при невыполнении договора со стороны «Исполнителя» в течение срока действия настоящего договора;

при однократном нарушении условий настоящего договора или несоответствии качества поставляемой партии продукции договорным обязательствам.

Сторона, у которой возникло право на расторжение договора, обязана уведомить другую сторону о своем намерении письменно.

## 11. Прочие условия

11.1. Ни одна из сторон не может передавать свои права или обязанности по данному договору какой-либо третьей стороне без письменного согласия другой стороны.

11.2. В случае изменения наименования платежных или иных реквизитов сторон, другая сторона незамедлительно должна быть об этом информирована в письменной форме.

11.3. Договор, включая приложения, составлен на 15 (пятнадцати) листах, в 2 (двух) экземплярах, идентичных по содержанию и имеющих одинаковую юридическую силу, скреплен подписями и печатями сторон.

11.4. В соответствии с Законом Республики Узбекистан о защите Государственных секретов «Исполнитель» обязан обеспечить конфиденциальность информации по объемам заказа и другой закрытой информации, ставшей ему известной в ходе заключения и исполнения договора.

## 12. Юридические адреса и реквизиты сторон

**«ЗАКАЗЧИК»**
**Центр научно-технической информации при Министерстве инновационного развития**
г. Ташкент, Алмазарский район, ул Университетская 7.
Тел.: +998970027221.
Эл. почта: info.csti@mininnovation.uz
Реквизиты «Заказчика»:
Р/с 2340 2000300100001010
Главное управления РКЦ Центр банк г. Ташкент МФО 00014, Казначейства Министерства Финансов, ИНН 201 122 919.
л/с 30281086026280701540025400l ИНН 306 939 614, ОКЭД 74900
**Директор __________ Абдувалиев А.**

юрист

**«ИСПОЛНИТЕЛЬ»**
ООО «RBC GROUP SOLUTIONS»

г.Ташкент, пр. Мирзо-Улугбек 56Б.
БЦ «БАСТИОН» 210
Телефон: +99897 734 6461
ИНН: 305448102 МФО 00440
ОКЭД 62020
р\с: 20208000200866252001
в АКБ «УЗПРОМСТРОЙБАНК»
Яшнаабадский филиал
**Директор ____________Рахматов А.**

## Схема работы Бэкенд-система

## Требования к программному обеспечению

Создаваемая Система должна обеспечивать следующие требованиям:

- Функциональная достаточность (полнота);
- Модульность построения и удобство эксплуатации;
- Совместимость программных продуктов в части используемых технических средств, системного ПО и общесистемной архитектуры в пределах требований к техническому обеспечению, а также их информационная совместимость в пределах требований к информационному обмену.

В ПО должны быть реализованы меры по защите от ошибок при вводе и обработке данных, обеспечивающие заданные целевые показатели функционирования Системы.

Система должна представлять собой приложение, включающее следующие слои:

1) Уровень пользовательского интерфейса для обеспечения доступа пользователей к функциям;
2) Уровень бизнес-логики, представляющий собой набор программных сервисов, исполняемых на сервере приложений и реализующих всю логику предметной области и общесистемные механизмы;
3) Уровень хранения данных;

Разделение Системы на отдельные независимые слои должно обеспечить:

- Возможность масштабирования каждого слоя Системы в отдельности с использованием кластерных технологий и механизмов балансировки нагрузки для достижения максимальной производительности при экономически обоснованных инвестициях;
- Возможность резервировать наиболее ответственные узлы для достижения высоких показателей доступности и отказоустойчивости;
- Возможность построения территориально разнесенной системы (когда различные части системы физически расположены на различных площадках и аппаратных платформах);
- Возможность разворачивать Систему в самых разных конфигурациях.

## Требования к техническому обеспечению

Техническое обеспечение узла Системы должно состоять из комплекса технических средств и комплекта эксплуатационной документации, включающего следующие документы:

• руководство пользователя;
• руководство администратора;
• руководство программиста;
• руководство по установке.

Комплекс технических средств должен базироваться на серийно выпускаемых вычислительных и телекоммуникационных средствах, обеспечивающих ввод, обработку, вывод, отображение и хранение информации, а также связь с комплексами технических средств других узлов Системы.

При выборе технических средств, обеспечивающих функционирование Системы, целесообразно исходить из следующих общих требований:

• производители и поставщики технических средств и решений должны иметь апробированные продукты и обеспечивать надежные гарантии;

• техническое обеспечение должно обеспечивать решение всех возложенных на Систему задач и обеспечивать определенный запас «мощности» на случай быстрого роста потребностей;

• техническое обеспечение должно обеспечивать преемственность по отношению к существующим техническим решениям;

• комплекс решений должен представлять собой законченный программно-технический продукт, что позволяет минимизировать затраты на проектирование, ввод в эксплуатацию и сопровождение Системы;

• техническое обеспечение должно быть инвестиционно-защищенным, т.е. технические средства должны быть масштабируемыми по производительности, емкости оперативной памяти, емкости дискового пространства и числу каналов ввода-вывода, а поставщики оборудования - иметь долгосрочные программы поддержки этих устройств.

Технические средства должны быть размещены с соблюдением требований, содержащихся в эксплуатационной документации на них и так, чтобы было удобно использовать их при функционировании системы и выполнять техническое обслуживание.

**Другие требования к Участникам.**

К участию допускаются организации, с подтвержденным опытом работы не менее 1 года.

**Размер предоплаты (%)**

Оплата за работы производиться после заключения Заказа с 30% авансированием, от суммы Заказа.

Оплата работ по Заказу будет производиться на основании подписанных справки счёт фактуры, актов выполненных работ. К акту должны быть приложены исполнительные документы.

Параметры соответствия товара (работ, услуг) потребностям Заказчика (товарные знаки, ГОСТ, сорт, фирменные наименования и т.п.)

Все материалы, которые будут использованы при работах, должны быть сертифицированы и иметь соответствующий документ, подтверждающий их качество.

| «ЗАКАЗЧИК» | «ИСПОЛНИТЕЛЬ» |
| --- | --- |
| **Центр научно-технической информации при Министерстве инновационного развития** | ООО «RBC GROUP SOLUTIONS» |
| **Директор ________ Абдувалиев А.** | **Директор ________ Рахматов А.** |

**Приложени №2**

**К Договору №19 от** 14 июня

**План-график работ**

**по разрботке Информационно-аналитической системы научно-технической информации**

| № | Наименование работы | Срок |
|---|---|---|
| 1. | Обследование и уточнение требований | 5 календарных дней |
| 2. | Разработка информационно-аналитической системы | 20 календарных дней |
| 3. | Приемо-сдаточные испытания | 4 календарных дня |
| 4. | Ввод в опытную эксплуатацию | 1 календарный день. |

**«ЗАКАЗЧИК»**
**Центр научно-технической информации при Министерстве инновационного развития**

**Директор** ____________ **Абдувалиев А.**

**«ИСПОЛНИТЕЛЬ»**
ООО «RBC GROUP SOLUTIONS»

**Директор** ____________ **Рахматов А.**

# Юридическое заключение
## Договор№19.

**14.07.2022**

На юридическое заключение предоставлен договор, заключенный между Центр научно–технической информации при Министерстве инновационного развития Республики Узбекистан, и ООО «RBC Group Solutions» на сумму 179 800.00 *(сто семдесять девять миллионов восемсот тысячи*) сум.

Договор составлен в соответствии с требованиями действующего законодательства Республики Узбекистан, Законом Республики Узбекистан «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» и Гражданским Кодексом Республики Узбекистан.

Штрафные санкции, установленные договором в качестве обеспечения исполнения предусмотренных договором обязательств не противоречат требованиям действующего Законодательства.

Предусмотренный договором порядок разрешения возникающих между сторонами споров также соответствует требованиям Законодательства.

В связи с вышеизложенным считаю, что представленный договор отвечает всем требованиям Законодательства, предъявляемым к данному виду сделок.

Настоящее заключение составлено в соответствии со ст.ст.21-35 Закона РУз «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов».

**Главный Юрисконсульт** **Солиев Ф.Э.**

**“TASDIQLAYMAN”**
**O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilmiy-texnik axborot markazi direktori**

**____________ A. Abduvaliyev**

**O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilmiy-texnik axborot markazida o‘tkazilgan yig‘ilish**

**BAYONI № 3**

2022 yil 7 iyul Toshkent sh.

**Raislik qiluvchi:** Ilmiy texnik axborot markazi direktori A. Abduvaliyev

**Qatnashdilar:** Ilmiy-texnik axborot markazi xodimlari (ro‘yxat bo‘yicha)

**KUN TARTIBI**

**O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilmiy-texnik axborot markazi tomonidan joylashtirilgan Eng yahshi takliflarni tanlash yo‘li orqali joylashtirilgan e’lon bo‘yicha**

---

*(F.Aminov, A.Aslanova, D.Egamnazarova, S.Bobomurodov, X.Zaripov)*

Direktor A.Abduvaliyev yig‘ilishni ochiq deb e’lon qilib, kun tartibidagi masala yuzasidan direktorning birinchi o‘rinbosari F.Aminovga so‘z berdi.

F.Aminov so‘zga chiqib yig‘ilish qatashchilarini kun tartibidagi masala yuzasidan tushuncha berdi, xususan O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilmiy-texnik axborot markazi tomonidan O‘zbekiston Respublikasining 684-son “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunining 7-bobiga asosan Eng yahshi takliflarni tanlash yo‘li orqali joylashtirilgan e’lon bo‘yicha mazkur xizmatni amalga oshirish maqsadida “NAPA AUTOMOTIVE” MChJ, THE ART OF EFFECTIVE GOVERNING MCHJ, FELIX-ITS MCHJ,

“RBC Group Solutions” MChJ korxonalari tomonidan xizmatni amalga oshirish bo‘yicha tijorat takliflari elektron tarzda kelib tushganligi to‘g‘risida aytib o’tdi va kelib tushgan takliflar elektron tarzda tanlanganligini takidladi.

Bosh hisobchi D.Egamnazarova so‘zga chiqib, ushbu O‘zbekiston Respublikasining 684-son “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunining 7-bobiga asosan eng yahshi takliflarni tanlash yo‘li orqali elektron tarzda amalga oshirilganligi va barcha mezonlar bo‘yicha, “RBC Group Solutions” MChJ g‘olib bo‘lganligi haqida ma’lumot berdi, shu bilan bir qatorda g‘olib deb e’lon qilingandan so‘ng 2 (ikki) ish kuni mobaynida muhokamada turganligi va boshqa tashkilotlardan e’tirozlar kelib tushmaganligini takidladi.

Kelib tushgan tijorat takliflarini o‘rganib chiqib, bildirilgan fikr va mulohazalardan kelib chiqqan holda yig‘ilish

**QAROR QILADI**:

1. “RBC Group Solutions” MChJ g‘olib deb topilsin.
2. Direktorning birinchi o‘rinbosari F.Aminov o‘rnatilgan tartibda tegishli shartnomani rasmiylashtirilishini ta’minlasin.
3. Bosh hisobchi D.Egamnazarova shartnoma rasmiylashtirilgandan so‘ng belgilangan tartibda to‘lovlarni amalga oshirilishini ta’minlasin.

**Kotib** **D.Sharifxodjayeva**

**O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi Ilmiy-texnik axborot markazi**
**2022 yil 7 iyul kuni o‘tkazilgan yig‘ilish qatnashchilari ro‘yxati**

| № | F.I.Sh. | Lavozimi | Imzo |
|---|---|---|---|
| 1 | F.Aminov | Direktorning birinchi o‘rinbosari | |
| 2 | S.Bobomurodov | Direktor o‘rinbosari | |
| 3 | D.Egamnazarova | Bosh hisobchi | |
| 4 | X.Zaripov | Bo‘lim boshlig‘i | |
| 5 | A.Aslanova | Sektor mudiri | |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ПАРКИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 январдаги 17-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини самарали ташкил этиш, юридик шахсларни унинг резидентлари сифатида рўйхатдан ўтказиш, солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилаш, «стартап-лойиҳаларни» ҳар томонлама, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясига (кейинги ўринларда — Дирекция):

юкланган вазифаларни амалга ошириш доирасида малакали мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан жалб қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилсин;

штатлар жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Дирекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш ҳуқуқи берилсин.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тепамасжид кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг бино ва иншоотларини давлат улушини кўпайтириш ҳисобига баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланган қиймат бўйича Дирекциянинг устав фондига бериш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги 478-ф-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга Тошкент шаҳри Яшнабод туманида умумий майдони 6,5 га бўлган ер участкаси (собиқ 22-ҳарбий шаҳарча ҳудудининг бир қисми — Махтумқули кўчаси билан кесишгунгача) ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган давлат мулкининг бозор қийматини аниқлаш бўйича хизматлар тўлови Дирекция маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Дирекциянинг буюртманомалари бўйича Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда Технопарк деб аталади) фаолиятини ташкил этишда иштирок этувчи юқори малакали хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Дирекция 2019 йил 1 августгача бўлган муддатда:

Технопарк биносини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларининг якунланишини;

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ юридик шахсларни Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳамда истиқболли «стартап-лойиҳалар»ни кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва танлаш бошланишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 январдаги 17-сон қарорининг 6-бандидан биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Телекоммуникациялар, IT-технологиялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 15 июль,
589-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарорига
ИЛОВА

## Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Ушбу Низом Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш, юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказиш ва мақомдан маҳрум этиш, резидентлар учун солиқ ва божхона имтиёзларини, улар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан солиқ имтиёзларининг қўлланилишини, шунингдек, истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

*(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

бизнес-режа — компания, товар, уни ишлаб чиқариш, кўрсатиладиган хизматлар, маҳсулот сотиладиган потенциал бозорлар, маркетинг стратегияси, операцияларни амалга оширишни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган режа, компаниянинг ҳаракатлари, бизнес-операцияларни амалга ошириш дастури;

стартап-лойиҳа — фойда олиш ноаниқ ва молиявий таваккалчилик юқори бўлган шароитларда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари соҳасида янги маҳсулот яратишни ёки хизматни жорий этишни кўзда тутувчи лойиҳа;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — Технопарк) — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни

ривожлантиришнинг максимал даражада қулай шароитларини яратиш учун республиканинг бутун ҳудудида Технопарк резидентларини жойлаштирган ҳолда ишлайдиган ташкилот;

*(2-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари Технологик парки дирекцияси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) — Технопарк фаолиятини оператив бошқарувчи масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс;

Резидентларнинг ягона реестри — ушбу Низомга мувофиқ Технопаркда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар рўйхати мавжуд бўлган очиқ ва умумфойдаланиладиган ахборот ресурси;

Технопаркнинг резиденти — белгиланган тартибда Технопаркда рўйхатдан ўтказилган ва Резидентларнинг ягона реестрига киритилган юридик шахс;

ариза берувчи — Технопарк резиденти мақомини олишга талабгорлик қилувчи юридик шахс;

стартап-лойиҳа ташаббускори — стартап-лойиҳани амалга ошириш бўйича таклиф тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

ментор — стартап-лойиҳани ривожлантириш ва илгари силжитиш мақсадида уни ўз билимлари ва тажрибаси билан қўллаб-қувватлайдиган маслаҳатчи;

Маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) — ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқ инкубация ёки акселерация дастурларига қабул қилиш учун номзодларни танлашни, шунингдек, менторларни саралашни таъминлаш мақсадида Дирекция ҳузурида ташкил этиладиган орган;

акселерация дастури — менторлар ва бозор экспертлари ташкилий ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаган ҳолда тест синовидан ўтказиш ва бизнес-моделини ишлаб чиқиш йўли билан стартап-лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган таълимий-амалий дастур;

инкубация дастури — унинг доирасида стартап-лойиҳа ғояси шакллантириладиган ва ишлаб чиқиладиган таълимий-амалий дастур;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

веб-портал — Технопарк резиденти мақомини олиш учун юридик шахслардан ҳужжатлар қабул қилиш, Дирекция ва унинг резидентлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, улардан ҳисоботлар, хулосалар, бизнес-режалар ва бошқаларни қабул қилиш учун мўлжалланган Дирекциянинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтидаги бўлими. Веб-порталнинг ишлаш тартиби Дирекция томонидан белгиланади;

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарорига асосан ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Истиқболли стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш ҳамда менторларни танлаш бўйича эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Эксперт комиссияси деб аталади) — акселерация дастуридан муваффақиятли ўтган стартап-лойиҳаларни кейинчалик молиялаштириш учун кўриб чиқиш ва ўрганишни ташкил этиш, шунингдек, менторларни танлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган орган.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Эксперт гуруҳи — «IT-visa»га эга бўлиш учун Дирекциянинг тавсиясини олиш учун тақдим этилган аризаларни кўриб чиқиш мақсадида Дирекцияда вазирликлар ва идораларнинг малакали мутахассислари ҳамда бошқа мутахассислардан иборат таркибда ташкил этиладиган орган. Эксперт гуруҳининг иш тартиби Дирекция томонидан белгиланади;

виртуал офис — Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлашган юридик (почта) манзили орқали (жисмоний жойлашмаган ҳолда) ходимлар ўз ишларини бажаришлари, компания билан контрагентлар (етказиб берувчилар, харидорлар, давлат органлари ва бошқалар) билан мулоқот қилиш имконини берувчи жой.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

3. Қуйидагилар Технопаркнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардошли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқилишини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ички ва ташқи бозорларга кириб бориши, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш;

Технопарк резидентларига фаолиятни амалга ошириш учун зарур инфратузилма, шу жумладан, замонавий лабораторияларни бериш, уларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари, шунингдек, акселерация дастурлари бўйича хизматлар кўрсатиш;

стартап-лойиҳаларни амалга оширишда, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш, ахборот технологиялари соҳасида бошловчи ва кичик корхоналарга инновацион фаолият натижаларида кўмаклашиш;

шу жумладан, замонавий технологиялар ва дастурий маҳсулотлар трансфери ҳисобига лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этишда резидентларга кўмаклашиш;

юқори технологик маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш занжирининг узлуксизлигини таъминлаш учун илмий, илмий-тадқиқот, ўқув ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолияти ўзаро интеграциясига кўмаклашиш;

ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг замонавий синфини шакллантириш мақсадида аҳоли ва ёшлар ўқитилишини ташкил этиш;

ахборот технологиялари соҳасида етакчи компаниялар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда маҳорат дарслари, тренинглар ва малака ошириш курслари, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ўтказиш.

## 2-боб. Технопарк дирекцияси фаолиятини ташкил этиш

4. Дирекцияга «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган директор бошчилик қилади.

Директорнинг ваколатлари Дирекция уставида белгиланади.

Директор Дирекцияга юкланган функциялар ва вазифалар амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг сўрови бўйича Технопарк ва Дирекция фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим қилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5. Дирекция фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Технопарк резидентларининг Дирекцияга ҳар ойлик жами даромаднинг бир фоизи миқдорида ўтказиладиган ажратмалари;

хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, Дирекцияга бириктирилган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;

стартап-лойиҳаларни венчур молиялаштириш натижасида олинган даромадлар;

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг таркибий бўлинмалари маблағлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

*(5-банднинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

6. Дирекция:

Технопарк резиденти мақомини олиш учун юридик шахслардан буюртманомалар қабул қилинишини ташкил этади, шунингдек, Технопарк резидентларини Резидентларнинг ягона реестрига киритиш ва резидент мақоми берилганлиги тўғрисида тегишли гувоҳномани бериш орқали резидентларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ушбу Низомга мувофиқ юридик шахслар ва стартап-лойиҳалар ташаббускорлари томонидан тақдим этилган бизнес-режалар, шу жумладан, экспертларни (илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва мутахассислари) жалб қилиш орқали экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Эксперт кенгаши ва Эксперт гуруҳининг низомлари ҳамда таркибларини тасдиқлайди;

*(6-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

шартнома асосида Технопарк резидентлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ускуналар, лаборатория, экспериментал-ишлаб чиқариш майдонлари, офислар, ўқув хоналари, конференц-заллар, аудиториялар ва бошқа хоналарни ижарага ва субижарага беради, шунингдек, виртуал офис ва янги юридик шахсларни ташкил этиш (one stop shop) бўйича ҳужжатларни тайёрлаш хизматларини кўрсатади;

*(6-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ахборот технологиялари соҳасида хорижий инвесторлар ва мутахассисларга, шунингдек, Технопарк резидентларининг таъсисчиларига (иштирокчиларига) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда «IT-visa»ни тақдим этиш бўйича тавсия беради;

*(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарорига асосан олтинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

ахборот технологиялари (дастурлаш, сунъий интеллект, электрон тижорат ва бошқалар) соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишга кўмаклашади;

Технопарк ва унинг резидентлари фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлайди ва нашр қилади;

ўз фаолиятини бошлаётган юридик шахсларга инвесторлар ва кредиторлар билан шартномалар тузиш жараёнида молиявий, юридик ёки бошқа маслаҳат ёрдами беради;

Технопарк резидентларига уларнинг стартап-лойиҳалари учун инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашади;

Технопарк резидентларининг маҳсулотлари ва хизматлари ички ва ташқи бозорларга кириб боришини ташкил қилади;

Технопарк резидентлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган ахборот технологиялари маҳсулотларининг халқаро ярмарка ва кўргазмаларини ташкил этади ва ўтказади, шунингдек, Технопарк резидентларининг халқаро

семинарлар, конференцияларда ва республикада ҳамда халқаро кўламда ўтказиладиган бошқа тадбирларда иштирок этишини ташкил этишга кўмаклашади;

юридик шахсларни Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилиш бўйича қарор қабул қилади;

Дирекция уставига, ушбу Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Дирекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда муассис бўлишга ёки бошқа юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этишга ҳақлидир.

*(6-банднинг ўн бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

## 3-боб. Юридик шахсларни Технопарк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтказиш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар Технопарк резиденти мақомини олишга талабгорлик қилишлари мумкин.

8. Технопарк Дирекциясининг резидентларни рўйхатга олиш бўйича ишларини ташкил этиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9. Юридик шахслар Технопарк резиденти мақомини олиш учун қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлишлари керак:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган бўлиши керак;

б) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ фаолият турини (турларини) (кейинги ўринларда — рўйхат) амалга ошириш;

в) рўйхатда белгиланган фаолият турлари бўйича иқтисодий асосланган бизнес-режаларга эга бўлиш. Бизнес-режада рўйхатда кўрсатиб ўтилган бир ёки бир нечта фаолият турларини амалга ошириш бўйича аниқ тадбирлар, хизматларни сотиш учун мўлжалланган хизмат турлари ва уларнинг ҳажми, уларни амалга ошириш зарурлиги асосланиши, таклиф этилаётган лойиҳанинг монетизация модели, режалаштирилаётган молиявий-иқтисодий фаолият натижалари кўрсатилади. Бизнес-режанинг шакли ва унга бўлган талаблар Дирекция томонидан тасдиқланади.

*(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

г) солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқиладиган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситаларини (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) мажбурий равишда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш.

*(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сонли қарорига асосан «г» кичик банд билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10. Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтиш учун ариза берувчи веб-портал орқали Технопаркнинг резиденти сифатида амалга ошириш таклиф этилаётган бизнес-режани илова қилган ҳолда ариза беради.

*(10-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Технопарк резиденти мақомини олиш учун ариза берган юридик шахсдан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик ариза берувчига юклатилади. Ариза берувчининг тақдим этган ҳужжатларида ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларига номувофиқликлар аниқланган ҳолатларда ариза берувчи беш иш кунида ундаги камчиликларни бартараф этиб, қайта тақдим қилиши мумкин. Мазкур муддатда ариза берувчи томонидан номувофиқликлар бартараф этилмаса, Дирекция аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли.

*(10-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

Юридик шахснинг барча зарур шаклларни веб-порталда тўлдирганидан сўнг ариза бериши, Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартнома (кейинги ўринларда — шартнома) тузилишига розилик бериши ҳисобланади.

*(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11. Ариза берувчи Дирекцияга буюртманома берилган пайтдан бошлаб 3 иш куни мобайнида бу ҳақида ёзма хабар берган ҳолда аризани қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

*(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12. Бизнес-режаларнинг рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқлиги, лойиҳани амалга ошириш имкониятлари, ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришда Технопарк резиденти сифатида юридик шахс томонидан жорий қилиниши таклиф этилаётган лойиҳанинг инновацион ва оммабоплиги бўйича экспертизадан ўтказиш мақсадида топширилган ариза ва ҳужжатлар 3 иш куни мобайнида Дирекция томонидан Эксперт кенгашига юборилади.

Эксперт кенгаши бизнес-режа тақдимотини ўтказиш учун ариза берувчини таклиф қилиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳуқуқига эга.

Эксперт кенгаши бизнес-режа экспертизасини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказади.

Эксперт кенгаши экспертиза натижаларига кўра тақдим этилган бизнес-режанинг рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

*(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

13. Дирекция тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ариза берувчини Технопаркнинг резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

14. Қуйидагилар ариза берувчини Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликларнинг берилган муддат ичида бартараф этилмаслиги.

Эксперт кенгаши хулосасига кўра ариза берувчи фаолияти маънавий эскирган, истиқболи йўқ ёки аҳамияти катта бўлмаган деб топилиши;

*(14-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

амалга оширилиши таклиф этилган бизнес-режанинг рўйхатда кўрсатилган фаолият йўналишларига мос келмаслиги ёки уни жорий қилиш белгиланган фаолият йўналишлари ташқарисига чиқиб кетиши;

юридик шахс ёки у билан боғлиқ шахсларнинг Технопарк олдида Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги олдинги шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятларининг мавжудлиги;

*(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарорига асосан тўртинчи ва бешинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Рад этишнинг асоси Дирекциянинг ариза берувчини Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилади, ариза берувчига ушбу қарордан кўчирма тақдим этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинмаган ҳолда қўлланилганлиги.

*(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)*

15. Юридик шахсни Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, ариза ва бошқа ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 10 — 13-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16. Юридик шахсни Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиниши юридик шахснинг Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномага розилигини англатади.

Шартноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланади, Дирекциянинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ҳамда оммавий оферта шаклига мувофиқ бўлади.

*(16-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17. Технопарк резиденти:

товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан тушумлар доирасида хорижий таъсисчилар (иштирокчилар) ва чет эллик мутахассисларига дивидендлар ва иш ҳақи тўловларини чет эл валютасида халқаро тўлов карталарига ўтказиш орқали амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи тасдиқномаларини олмасдан туриб чет эллик мутахассисларни жалб этиш;

виртуал офисдан фойдаланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш;

экспорт контрактисиз Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги онлайн дўконлар орқали хорижий валютага ишлар ва хизматлар экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Технопарк резиденти Дирекция билан тузилган Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

*(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18. Технопарк резиденти:

фақат рўйхатдаги фаолият турларига асосланган бизнес-режада кўрсатиб ўтилган фаолият турларини амалга ошириши;

Дирекция билан тузилган Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномага амал қилиши;

ўз фаолияти тўғрисида Дирекция томонидан тасдиқланадиган муддатларда ва шаклга кўра ахборот, жумладан, статистик ва солиқ ҳисоботи нусхаларини веб-портал орқали тақдим этиши;

ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай Дирекциянинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига жами даромаднинг бир фоизи миқдорида ажратма ўтказиши;

ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июлигача молия-хўжалик фаолияти мажбурий аудитини ўтказиши ва махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботининг ҳамда аудиторлик хулосасининг нусхасини веб-портал орқали Дирекцияга юбориши, бунда махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботида юридик шахснинг ҳақиқатда амалга оширган фаолияти, рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқлиги масалалари ҳамда молиявий йил давомида амалга оширилган фаолият турлари ва уларни амалга ошириш натижасида олинган умумий тушумдаги улуш ҳисобга олиниши, аудиторлик хулосасида эса, олинган тушум ва юридик шахснинг ҳақиқатда амалга оширган фаолияти рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқлиги кўрсатилиши;

Технопарк резиденти тақдим этилган бизнес-режада кўрсатиб ўтилмаган янги фаолият турларини Дирекция томонидан янги (қўшимча) бизнес-режа тасдиқлангандан кейин амалга ошириши;

ўқув курслари ташкил этилган тақдирда ҳар йили Дирекцияга ахборот технологиялари бўйича ўтказилган ўқув курслари ҳақида маълумот бериши ҳамда ушбу курслар доирасида ўқув дастурини келишиши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқиладиган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситаларини (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) мажбурий равишда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш;

*(18-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сонли қарорига асосан тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)*

Технопарк резиденти Дирекция билан тузилган Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

*(18-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19. Технопарк резиденти мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин Дирекция 3 иш куни мобайнида:

*(19-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

юридик шахснинг номи, фаолияти тури, почта ва электрон манзиллари кўрсатилган ҳолда Резидентларнинг ягона реестрига юридик шахс рўйхатга олинганлиги тўғрисида тегишли ёзувни киритади;

юридик шахсга Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига, юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкига юридик шахс Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида расмий билдиришнома юборади.

*Олдинги таҳририга қаранг.*

20. Юридик шахс ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганда Технопарк резиденти мақоми давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб барча ҳуқуқлар ва олдин қабул қилинган мажбуриятлар сақланган ҳолда ўзгартирилган юридик шахсга ўтади. Бунда давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кун муддатда юридик шахс резидентларнинг ягона реестрига ва бошқа ҳужжатларга ўзгартириш киритиш учун ёзма равишда Дирекцияга мурожаат қилади. Бундай тартиб юридик шахснинг номи ўзгарганда ҳам қўлланилади.

*(20-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки номи ўзгариши тўғрисидаги хабарномаси асосида Дирекция Резидентларнинг ягона реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига, юридик шахсга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига юридик шахснинг Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида хабарнома юборади.

## 4-боб. Юридик шахсни Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилишнинг асослари ва тартиби

21. Қуйидагилар Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилишнинг асоси ҳисобланади:

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Технопарк резиденти амалдаги фаолиятининг рўйхатда белгиланган фаолият турларига мувофиқ эмаслиги;

*(21-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Дирекция билан тузилган Технопарк резидентининг фаолияти шартлари тўғрисидаги шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик;

Технопарк резидентининг ночор (банкрот) деб эътироф этилиши;

Технопарк резиденти резидент мақомидан ўз хоҳиши билан воз кечиши;

*Олдинги таҳририга қаранг.*

ўз фаолияти, солиқ ва статистика ҳисоботлари, бизнес-режа, шунингдек, аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда тақдим этилмаганлиги ёки уларда ишончсиз маълумотлар тақдим этилганлиги;

ушбу Низомнинг 18-банди бешинчи хатбошисида белгиланган ажратмаларнинг тўланмаганлиги;

юридик шахс қайта ташкил этилганлиги;

*(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарорига асосан олтинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳририга қаранг.*

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга таааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинмаган ҳолда қўлланилганда;

*(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сонли қарорига асосан тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)*

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа асослар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

22. Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор Дирекция томонидан қабул қилинади. Қарор қабул қилингандан кейин юридик шахсга бу ҳақда хабар юборилади ҳамда Резидентларнинг ягона реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Технопарк резиденти мақомидан махрум қилиш юридик шахснинг Низомда белгиланган мажбуриятлари тугашига олиб келмайди.

*(22-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(23-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

24. Дирекция юридик шахснинг Технопарк резиденти мақомидан маҳрум қилингани тўғрисидаги ёзувни Резидентларнинг ягона реестрига киритган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ва юридик шахсга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига хабар беради.

*(24-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

## 5-боб. Технопарк резидентлари учун солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон Фармони ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ қуйидаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилади:

а) Технопарк резидентларига:

барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни, шунингдек ижтимоий солиқни тўлашдан озод этиш;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технологик ҳужжатлар, дастурий таъминот воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этиш;

товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан тушумлар доирасида хорижий таъсисчилар (иштирокчилар) ва чет эллик мутахассисларига дивидендлар ва иш ҳақи тўловларини чет эл валютасида халқаро тўлов карталарига ўтказиш орқали амалга ошириш;

виртуал офис мавжуд бўлганда уларнинг ходимлари юридик (почта) манзилида жисмоний жойлашмаган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи тасдиқномаларини олмасдан туриб чет эллик мутахассисларни жалб этиш;

экспорт контрактисиз онлайн дўконлар орқали экспортни амалга ошириш;

экспорт қилинган товар (хизмат)ларнинг ҳажми ўн икки ой давомида 10 миллион АҚШ долларидан ошганда 25 фоизга, 20 миллион АҚШ долларидан ошганда 50 фоизгача Дирекцияга ҳар ой ўтказиладиган ажратмалар миқдорини пасайтириш;

б) Технопарк резидентлари билан меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

7,5 фоиз миқдордаги қатъий белгиланган ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилади;

солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмайди;

в) 2025 йил 1 январга қадар Технопарк резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари) — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларига Ўзбекистон Республикасининг резидентлари сингари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг беш фоиз ставкаси татбиқ этилади.

*(25-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

26. Ушбу Низомнинг 25-бандида назарда тутилган имтиёзлар:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича — юридик шахс Резидентларнинг ягона реестрига киритилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан;

*(26-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

божхона тўловлари бўйича — божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси олинган кундан бошлаб қўлланилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

27. Технопарк резиденти Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 297-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган фаолиятлардан солиқлар ва йиғимларни умумий тартибда тўлаш шарти билан даромад олиш ҳуқуқига эга, шу билан бирга рўйхатга мувофиқ фаолият турини амалга оширганда, ушбу модданинг учинчи қисмидаги 1, 9, 16 ва 18-бандлари бўйича барча солиқларни тўлашдан озод қилинади.

*(27-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28. Технопарк резидентлари ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда Технопарк резиденти мақомидан маҳрум этилади ва Дирекциянинг хабарномасига биноан давлат солиқ хизмати органлари ушбу Низомнинг 25-бандида кўрсатилган имтиёзларнинг уларга қўлланилишини бекор қилиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўлаш бўйича мажбуриятларни тиклаш чораларини кўради.

*(28-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29. Юридик шахс Технопаркнинг резиденти мақомидан маҳрум этилганда, қуйидаги имтиёзлардан:

*(29-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича — Технопарк резиденти мақоми бекор қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан;

божхона тўловлари бўйича — резидент мақоми бекор қилинган кундан бошлаб фойдаланмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахснинг Технопарк резиденти мақомидан ўз хоҳиши билан воз кечиши санаси юридик шахснинг аризаси Дирекцияга келиб тушган сана ҳисобланади.

*(29-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарорига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

30. Технопарк резиденти томонидан божхона тўловларидан озод қилинган товарлардан эркин муомалага чиқарилган санадан бошлаб уч йил мобайнида ўз эҳтиёжларидан ташқари фойдаланганлиги ҳолатлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ушбу резидент — солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текширувини ўтказиш чоғида аниқланган ҳолатлар тўғрисида тегишли ҳужжатлар тузади ва уларни 3 иш куни мобайнида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига юборади.

Ўз эҳтиёжларидан ташқари фойдаланилган олиб кирилган товарлар улушига тўғри келадиган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар суммаси белгиланган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилиши зарур.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

30$^{1}$. Дирекция томонидан Технопарк резидентларига виртуал офис қуйидаги шартлар асосида тақдим этилади:

Дирекциянинг веб-порталидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилган аризасига биноан;

Технопарк резидентининг ижро этувчи органи раҳбари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган тақдирда.

Виртуал офис Технопарк резидентининг ариза бериш вақтида солиқ органларида рўйхатдан ўтган жой бўйича тақдим этилади.

Технопарк резиденти виртуал офис шартномаси тузилганидан (бекор қилинганидан) кейин таъсис ҳужжатларидаги юридик (почта) манзилини белгиланган тартибда ўзгартириш мажбуриятини олади.

Виртуал офиснинг шартнома шакли Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Виртуал офисни тақдим этиш хизматларининг нархи Дирекция томонидан белгиланади.

30$^{2}$. Дирекция билан виртуал офис шартномасини тузган Технопарк резидентларига, қуйидаги талаблар қўлланилмайди:

юридик манзилида юридик шахсларнинг йўқлиги учун ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш;

фаолият юритаётган ходимларнинг турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш;

кўчмас мулки, кўчмас мулк ижараси ва (ёки) ундан текин фойдаланиш шартномалари мавжуд эмаслиги ҳамда рўйхатдан ўтган юридик (почта) манзилида жойлашмаганлик учун юқори даражадаги таваккалчилик тоифали солиқ тўловчи мезонига киритиш, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасининг амал қилинишини тўхтатиб туриш ҳамда шу ҳолатлар бўйича солиқ назорати чораларини қўллаш.

*(30$^{1}$ ва 30$^{2}$-бандлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 191-сонли қарорига асосан киритилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон)*

## 6-боб. Истиқболли стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш тартиби

31. Дирекция стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш жараёнини ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ схема бўйича ташкил этади.

32. Ахборот технологиялари, шунингдек, илғор ахборот технологияларини молия технологиялари, электрон тижорат, электрон таълим, қишлоқ хўжалиги, биотехнология, озиқ-овқат саноати, тиббиёт, логистика соҳаларига жорий этиш, рақамли технологияларни ишлаб чиқаришга интеграция қилиш ва бошқалар Технопарк резидентлари томонидан стартап-лойиҳаларни амалга ошириш доирасида устувор йўналишлар ҳисобланади.

33. Саралашда иштирок этиш учун ариза берувчи — стартап-лойиҳа ташаббускори Дирекцияга (шахсан ўзи келиб, почта алоқаси орқали, электрон почта орқали ёки Дирекциянинг расмий веб-сайти орқали) ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ ҳужжатларни тақдим этади.

Ариза берувчи тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

34. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг зарур ҳужжатлар рўйхатига мувофиқлигини, шунингдек, уларнинг ушбу Низомнинг 45-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва ўрганиш мақсадида Технопаркда инкубация ва акселерация дастурларига қабул қилиш учун истиқболли стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш ва баҳолаш бўйича Маслаҳат кенгаши ташкил этилади.

Стартап-лойиҳалар бўйича қабул қилинган буюртманомаларни кўриб чиқиш 20 иш куни мобайнида амалга оширилади. Инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш бўйича қарор Кенгаш томонидан қабул қилинади.

35. Дирекция стартап-лойиҳани инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида узил-кесил қарорга келиш мақсадида ариза берувчини ўз стартап-лойиҳаси тақдимотини ўтказиш учун таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

36. Кенгаш ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг 4-иловада кўрсатилган зарур ҳужжатларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва таҳлил қилади ҳамда ушбу Низомнинг 45-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги бўйича танловни амалга оширади.

37. Кенгаш ўрганиб чиқиш натижаларига кўра стартап-лойиҳани инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш ёки рад этиш ҳақида коллегиал қарорни қабул қилади.

38. Кенгаш қарори баённома билан расмийлаштирилади ҳамда Кенгашнинг раиси ва котиби томонидан имзоланади.

39. Стартап-лойиҳани қабул қилиш рад этилганда Дирекция Кенгаш қарорига асосан рад этилиш асослари келтирилган ёзма хабарни ариза берувчига жўнатади.

40. Стартап-лойиҳани қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Дирекция билан стартап-лойиҳа ташаббускори ўртасида Дирекция томонидан белгиланган муддатларда стартап-лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битим тузилади.

41. Акселерация дастуридан ўтган стартап-лойиҳаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ўрганиш, кейинчалик молиялаштириш ҳамда юқори малакали менторларни танлаб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида стартап-лойиҳаларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва менторларни танлаш бўйича Эксперт комиссияси тузилади.

42. Дирекция акселерация дастурлари якунига кўра кейинчалик молиялаштириш учун маҳсулотлар (хизматлар) намойишини (намойиш кунини) ташкил қилади. Намойиш якунларига кўра молиялаштириш учун ариза тайёрланади ва Эксперт комиссиясига юборилади.

43. Эксперт комиссияси намойиш ўтказилгандан кейин 7 иш куни мобайнида лойиҳаларни ушбу Низомнинг 45-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ саралаш учун кўриб чиқади.

44. Келгусида иштирок этиш ва молиялаштириш учун тавсия этилган стартап-лойиҳалар Эксперт комиссияси қарори қабул қилингандан кейин 3 иш куни мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ёки унинг Эксперт комиссияси фаолияти учун масъул ўринбосари имзоси билан Жамғармага молиявий маблағларни ажратиш учун хат билан юборилади.

Бунда Жамғарма, Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори ўртасида 5 иш куни мобайнида стартап-лойиҳани молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш шартлари тўғрисида шартнома тузилади.

## 7-боб. Стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш мезонлари

45. Кенгаш ва Эксперт комиссияси ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўрганади ва стартап-лойиҳаларни қуйидаги мезонлар асосида танлаб олади:

ушбу Низомнинг 33-бандида санаб ўтилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг сифатини баҳолаш;

стартап-лойиҳанинг ушбу Низомнинг 32-бандидаги йўналишларга мувофиқлиги;

таклиф қилинаётган стартап-лойиҳанинг долзарблиги — лойиҳада ёритилган ғоянинг замонавий муаммо ва масалаларни ҳал этишдаги аҳамияти баҳоланади;

стартап-лойиҳанинг инновацион йўналтирилганлиги ва ғоясининг янгилиги — лойиҳа янги, такомиллаштирилган, илгари республикада қўлланилмаган технологиялар ва (ёки) принципларни қўллаш, шунингдек, янги, республикада илгари ишлаб чиқарилмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳамда янги хизмат жорий этилишини мўлжаллаган бўлиши керак;

стартап-лойиҳанинг натижаларга эришиш имкониятларини баҳолаш — лойиҳада баён қилинган натижаларга эришишга қаратилган масалаларни ҳал этиш учун таклиф этилаётган усуллар ва йўлларнинг мавжудлиги, асосланганлиги ҳамда етарли эканлиги баҳоланади;

бозорда маҳсулот ёки хизматга бўлган талабнинг мавжудлигини баҳолаш — маҳсулот ёки хизматнинг бозор талаби ҳамда тижорат истиқболлари баҳоланади;

стартап-лойиҳанинг тижоратлаштирилиши истиқболлари — келажакдаги маҳсулот татбиқ этилиш ва бозорга чиқиш истиқболига эга бўлиши, муайян истеъмолчига нисбатан қўлланилиши керак;

лойиҳанинг салоҳиятли рақобат афзалликларини баҳолаш — истеъмолчи учун маҳсулот/технологиянинг унинг амалдаги аналогларига нисбатан устунликлари мавжудлиги каби муҳим хусусиятлари баҳоланади;

лойиҳанинг инвестицион жозибадорлиги — қўшимча фойда келтирадиган ва инвестицияларни қопламаслик хавфини камайтирадиган қулай инвестиция ва инновацион шартлар ҳамда афзалликлар жамланмаси;

лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги — лойиҳани амалга оширишнинг молиявий натижаларини бевосита иштирокчилар учун ҳисобга ҳолда иқтисодий самарадорлик, шунингдек, лойиҳани амалга оширишнинг молиявий оқибатларини акс эттирувчи бюджет самарадорлиги.

## 8-боб. Стартап-лойиҳаларнинг инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этиш тартиблари

46. Стартап-лойиҳанинг инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этиши тартиби ва мақсадга мувофиқлиги Дирекция томонидан белгиланади.

47. Дирекция билан стартап-лойиҳа ташаббускори ўртасида тузилган стартап-лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битимга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятлар ва ушбу Низомда белгиланган талаблар бажарилмаганда Дирекция Эксперт комиссиясининг қарори асосида стартап-лойиҳа ташаббускорини чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга.

48. Алоҳида стартап-лойиҳа учун менторлар стартап-лойиҳа тақдим этилган соҳа бўйича иш тажрибасига ва маслаҳат бера олиш тажрибасига эга малакали мутахассислардан танланади.

49. Менторлар стартап-лойиҳа ташаббускори ва менторлар ўртасидаги шартнома шартларига асосан стартап-лойиҳани амалга оширишдан молиявий манфаатдор бўлишлари мумкин.

## 9-боб. Истиқболли стартап-лойиҳаларни молиялаштириш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

50. Истиқболли стартап-лойиҳаларни молиялаштириш Жамғарма маблағлари, Дирекциянинг ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

*(50-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

51. Стартап-лойиҳаларни молиялаштириш Жамғарма томонидан пул маблағларини беғараз ажратиш йўли билан, шунингдек, ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ Дирекция томонидан ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

*(51-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

52. Стартап-лойиҳани амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори томонидан имзоланган шартномага асосан ишлаш учун хоналар ва ускуналар ажратиш, юқори тезликдаги Интернет билан таъминлаш ва бошқалар, консалтинг хизматлари кўрсатиш ёки юридик шахс — стартап-лойиҳа ташаббускори ҳисоб рақамига мақсадли пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

53. Стартап-лойиҳани молиялаштириш венчур молиялаштиришни ўз ичига олади, бунда Дирекция стартап-лойиҳа муассислари таркибига киради. Дирекция ҳиссаси, улушларни тақсимлаш тартиби Жамғарма (Жамғарма томонидан молиялаштириш амалга оширилган ҳолларда), Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори ўртасида стартап-лойиҳани молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш шартлари тўғрисидаги шартномада белгиланади.

*(53-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори ўзаро ҳамкорликнинг кейинги босқичларини, ўзаро ҳисоб-китоб шартларини ҳамда Дирекциянинг стартап-лойиҳа ташаббускори томонидан таъсис этилган юридик шахснинг муассислари таркибидан чиқиши тартибини қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда белгилайдилар.

*(53-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

54. Эксперт комиссиясининг ижобий хулосаси стартап-лойиҳани молиялаштириш учун асос бўлади.

## 10-боб. Менторларни танлаш

55. Стартап-лойиҳада иштирок этиш учун менторларни танлаш Кенгаш тақдимномалари бўйича Эксперт комиссияси томонидан амалга оширилади.

56. Кенгаш Дирекциянинг стартап-лойиҳаларида иштирок этиши учун экспертларни, шу жумладан, чет эллик экспертларни дастлабки ўрганишни амалга оширади ва Эксперт комиссиясининг кўриб чиқиши учун тавсия этилган мутахассислар рўйхатини киритади.

57. Комиссия тавсия этилган рўйхатни кўриб чиқиб, менторларни қуйидаги мезонларга мувофиқ танлайди:

стартап-лойиҳа тақдим этилган соҳада амалий иш тажрибаси мавжудлиги;

бизнес юритиш тажрибаси (эҳтимол бошқа йўналишларда) мавжудлиги;

стартап-лойиҳанинг келажакдаги маҳсулотларини сотиш учун потенциал бозорлар конъюнктурасини билиш.

Менторларга стартап-лойиҳа хусусиятидан келиб чиқиб бошқа мезонлар қўлланилиши мумкин.

58. Эксперт комиссиясининг қарори Эксперт комиссияси раиси томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

## 11-боб. Якунловчи қоида

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

59. Технопарк фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

*(59-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясининг резидентларни рўйхатга олиш ишини ташкил этиш

## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Ариза берувчи (юридик шахс) | Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олиш учун тасдиқланган шакл бўйича зарур бўлган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда (бизнес-режа ва б.) Дирекцияга ариза беради. | Заруратга кўра |
| 2-босқич | Дирекция | Ариза ва ҳужжатларни қабул қилади ҳамда Эксперт кенгашига тақдим этади. | 3 иш куни мобайнида |
| 3-босқич | Эксперт кенгаши | 1. Бизнес-режани экспертизадан ўтказади, экспертиза натижаларига кўра Дирекцияга тегишли хулоса беради.<br>2. Зарур бўлганда якуний қарорга келиш мақсадида ариза берувчини бизнес-лойиҳа тақдимотини ўтказиш учун таклиф қилади. | 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда |
| 4-босқич | Дирекция | 1. Ҳужжатларни кўриб чиқади ва резидент сифатида рўйхатга олиш (ёки рўйхатга олишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади.<br>2. Рўйхатга олиш рад этилганда Дирекциянинг қарорида рад этишнинг асосини кўрсатади ва ариза берувчига ушбу қарордан кўчирма тақдим этади. | Ариза тушган кундан кейин 15 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5-босқич | Ариза берувчи | Рўйхатга олиш рад этилган тақдирда, Технопарк резиденти сифатида рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабабларни бартараф этади ҳамда аризага бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда кўриб чиқиш учун ҳужжатларни қайтадан киритади. | Заруратга кўра |
| 6-босқич | Дирекция | 1. Рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Резидентларнинг ягона реестрига тегишли ёзувларни киритади ва юридик шахснинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.<br>2. Давлат солиқ қўмитасига, Давлат божхона қўмитасига ва юридик шахсга хизмат кўрсатадиган тижорат банкига расмий билдиришнома юборади. | Қарор қабул қилинган кундан кейин 3 иш куни мобайнида |

*(1-илованинг матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турлари**

## РЎЙХАТИ

1. Ҳар қандай платформалар учун дастурий таъминотни, шу жумладан компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ҳамда уларни сотиш (шу жумладан, дастурий таъминотдан фойдаланишга рухсат бериш, дастурий таъминотнинг мутлақ ҳуқуқини бериш (тақдим этиш).

2. Дастурий таъминотни жорий этиш ёки жорий этишда алоҳида босқичларни амалга ошириш, қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, ушбу дастурий таъминот билан ишлаш (малака ошириш)ни ўргатиш хизматлари.

3. Дастурий маҳсулотни такомиллаштириш ҳамда модификация қилиш.

4. Ахборот тизимлари ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш жараёнида маълумотлар базаларини яратиш, ушбу маълумотлар базалари учун ёзувларни белгиланган форматда тайёрлаш ҳамда уларга киришни таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш.

5. Дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш фаолияти.

6. Ўз дастурий таъминотида реклама учун жой тақдим этиш ёки дастурий таъминотнинг хусусиятларидан фойдаланган ҳолда бошқа қўшимча даромад олиш.

7. Автоматлаштирилган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

8. Юридик шахсларнинг ахборот эҳтиёжларини таҳлил қилиш (тизимли таҳлил, бизнес-таҳлил) ҳамда бизнес-жараёнларни инновация (реинжиниринг) қилиш мақсадида ахборот тизимлари ва дастурий таъминотни жорий қилиш учун техник талабларни ишлаб чиқиш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича маслаҳат бериш.

9. Ахборот тизимлари ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва уларни фойдаланишга топшириш жараёнида фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжлари ва техник талабларига мувофиқлигини аудит қилиш.

10. Технопарк резиденти томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминотда учинчи шахс сўровига биноан маълумотларни қидириш, танлаш, қайта ишлаш ва саралаш ҳамда уларга ахборот тақдим этиш бўйича автоматлаштирилган хизмат кўрсатиш.

11. Дастурий таъминотдан (дастурий-аппарат воситаларидан) фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ёрдамчи ишлаб чиқариш, маъмурий ва бизнес жараёнларни бошқариш (амалга ошириш) бўйича хизмат кўрсатиш (бизнес-жараёнларни аутсорсинг қилиш).

12. Технопарк резиденти томонидан ишлаб чиқилган материаллар, технологиялар, микро-, опто- ва наноэлектроника, микроэлектротехника тизимлари ҳамда улар билан мос келувчи дастурий таъминотни сотиш.

13. Маълумотларни узатиш тизимлари, технологиялар, қурилмалар ва радиолокация тизимлари, радионавигация, радиоалоқа, радиобошқарув, радиочастота идентификация ускуналарини ишлаб чиқиш (тадқиқот ўтказиш, лойиҳалаш (қуриш), тест қилиш ҳамда техник синовдан ўтказиш) ва бундай ишланмалар натижаларини ишлаб чиқариш ёки ушбу хизматларни кўрсатмасдан туриб ўзлаштирилган ҳолда сотиш хизматлари.

14. Юқори технологияли қурилмалар ва тизимлар, дастурий-аппарат воситалари ва улар билан мос келувчи дастурий таъминотни (саноат характерига боғлиқ бўлмаган ҳолда) ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқаришнинг алоҳида босқичлари (тадқиқот ўтказиш, лойиҳалаш, прототиплаш, синовдан ўтказиш) ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва (ёки) ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш ёки хизмат кўрсатмасдан сотиш.

15. Ахборотни техник ва (ёки) криптографик, шу жумладан, электрон рақамли имзодан фойдаланиш орқали ҳимоя қилиш фаолияти.

16. Бир-бири ва ташқи муҳит билан ўзаро мулоқот қилиш учун ўрнатилган технологиялар билан жиҳозланган жисмоний объектларнинг ҳисоблаш-коммуникация тармоғи концепциясини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар.

17. Технопарк дирекцияси томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ, ахборот технологиялари соҳасида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали таълим бериш фаолияти.

18. Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ахборот хизматларини экспорт қилиш.

Изоҳ. Фаолият турлари бўйича таснифлаш ҳамда уларга тушунтиришлар бериш Дирекциянинг эксперт кенгаши томонидан амалга оширилади.

*(2-илованинг матни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги 672-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон)*

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

## Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки Дирекциясининг стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш ишини ташкил этиш

СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Стартап-лойиҳа ташаббускори (жисмоний ёки юридик шахс) | Стартап-лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши учун зарур бўлган барча | Заруратга кўра |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | ҳужжатларни илова қилган ҳолда Дирекцияга ариза беради. | |
| 2-босқич | Дирекция ҳузуридаги стартап-лойиҳаларни баҳолаш бўйича маслаҳат кенгаши | 1. Стартап-лойиҳа ташаббускори томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг зарур ҳужжатлар рўйхатига ва белгиланган мезонларга мувофиқлигини кўриб чиқади ва ўрганади.<br>2. Зарурат бўлганда якуний қарорга келиш мақсадида ариза берувчини ўз стартап-лойиҳасининг тақдимотини ўтказиш учун таклиф қилади.<br>3. Стартап-лойиҳани инкубация ёки акселерация дастурига қабул қилиш (ёки рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилади. | 20 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда |
| 3-босқич | Дирекц�я | Стартап-лойиҳани қабул қилиш рад этилганда, рад этишнинг асосини кўрсатган ҳолда ёзма маълумот юборади. | Олдинги босқич муддатлари доирасида |
| 4-босқич | Дирекция, стартап-лойиҳа ташаббускори | Қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда стартап-лойиҳанинг инкубация ёки акселерация дастурида иштирок этиши бўйича битим тузадилар. | Дирекция томонидан белгиланган муддатларда |
| 5-босқич | Дирекция, стартап-лойиҳа ташаббускори | Келгусида молиялаштириш масаласини кўриб чиқиш учун стартап-лойиҳа маҳсулотлари (хизматлари) намойишини ўтказадилар. | Акселарация дастуридан ўтиш якунлари бўйича |
| 6-босқич | Дирекция | Буюртманомани молиялаштириш учун буюртманомани стартап-лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш мезонларига мувофиқ Эксперт комиссиясига юборади. | Стартап-лойиҳа намойиши якунларига кўра |
| 7-босқич | ахборот технологиялари вазирлигининг | 1. Лойиҳаларни кўриб чиқади ва баҳолайди. | 7 иш куни мобайнида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Истиқболли стартап-лойиҳаларни баҳолаш бўйича Эксперт комиссияси | 2. Келгусида иштирок этиш ва молиялаштириш учун тавсия этилган стартап-лойиҳаларни АКТни ривожлантириш жамғармасига юборади. | 3 иш куни мобайнида |
| 8-босқич | АКТни ривожлантириш жамғармаси, Дирекция, стартап-лойиҳа ташаббускори | АКТни ривожлантириш жамғармаси, Дирекция ва стартап-лойиҳа ташаббускори ўртасида стартап-лойиҳани молиялаштириш ва қўллаб-кувватлаш шартлари тўғрисида шартнома тузадилар. | 5 иш куни мобайнида |

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга

4-ИЛОВА

«Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки Дирекцияси» МЧЖ Директорига

Истиқболли стартап-лойиҳаларни танлашда ҳамда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этишга

**АРИЗА**

________________________________________________ *(лойиҳанинг номи)*

________________________________________________

*(жисмоний шахснинг Ф.И.О. ёки юридик шахснинг номи)*

________________________________________________

*(жисмоний шахснинг яшаш манзили ёки ариза берувчининг юридик манзили)*

истиқболли стартап-лойиҳаларни танлашда ва Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг инкубация ва акселерация дастурларида иштирок этишини кўриб чиқишингизни сўрайман.

Иштирокчи тўғрисида маълумот:

________________________________________________

*(телефон рақами, электрон почта манзили)*

**Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

1. Жисмоний шахс бўлган тақдирда унинг паспорти нусхаси.
2. Стартап-лойиҳа бўйича батафсил маълумот.

________________________

*(ариза берувчининг имзоси)*

Сана: 20___ й. «____» _______________

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.07.2019 й., 09/19/589/3431-сон; 31.10.2020 й., 09/20/672/1437-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 15.04.2022 й., 09/22/191/0315-сон; 13.05.2022 й., 09/22/255/0412-сон)*

## Единый реестр резидентов

| № | Юридическое лицо | ИНН | ОКЭД | Почтовый адрес | Электронный адрес | Дата внесения в Реестр |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 145 | ООО «RBC Group Solutions» | 305448102 | 62.01.0 | г. Ташкент, Яккасарайский район, ул.Катта Миробод, 88 | info@rbc-group.uz | 03.12.2019 |